

Ҳаёт тажрибаси асосида миграция масаласига яқиндан ёндашув

- Санкт-Петербургда ўтказилган миграция ва пул ўтказмалари бўйича Конференцияда Европа ва Марказий Осиёда миграция билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни ечиш зарурати асосий ўрин эгаллади.
- Миграция ва пул ўтказмалари соҳаси бўйича амалиётчилар (МИРПАЛ) тармоғининг мақсади мамлакатларга сиёсий, дастурий ва институционал масалалар ечимини топишда ёрдам беришдир.

Сана – Миграция ҳалқ билан боғлиқ – ушбу жумла яқинда бўлиб ўтган йиллик МИРПАЛ (Миграция ва пул ўтказмалари соҳаси бўйича амалиётчилар) тармоғи конференцияси учун шиор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу конференция Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида Дунё банкининг Европа ва Марказий Осиёда (ЕМО) регионал миграция дастури доирасида ташкил этилди.

Тўққизта МДХ давлатлари - Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистондан ташриф буюрган кўп сонли ва кучли мутахасис ва амалиётчилар уюшмаси миграция билан боғлиқ ва ҳозирги кунда давлатлар учун ечимини топиш жуда муҳим бўлган муаммолар бўйича ўзларининг билим, малака ва фиклари билан ўртоқлашдилар.

МИРПАЛ дастури ЕМО давлатларидан келган миграция ва пул ўтказмалари бўйича амалиётчи ва маъсул ходимлар уюшмасидир. Ушбу дастур 2010 йил май ойида Москва шаҳрида ўтказилган конференцияда расман ишга тушди. 2010 йил май ойида ташкил этилган бу конференциядан олдин ўтказилган бир қатор чора-тадбирлар ушбу тармоғ ривожини учун асос бўлиб хизмат қилди.

Охирги етти йил мобайнида, ушбу регионнинг кўпчилиқ давлатларида мигрант ишчилар томонидан юборилган пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиши кузатилди. Ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида иқтисодий ўсиш – ҳамда қашшоқлик даражасининг пасайиши – миграция ва пул ўтказмалари билан боғлиқ равишда содир бўлди. Дунё банки ушбу регионнинг барча давлатлари учун долзарб бўлган миграция ва пул ўтказмалари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда кредитлаш ташаббуси билан ҳамда миграция сиёсатини яхшилаш орқали ёрдам беришга киришди.

Бу йилги конференцияда, муҳокамалар асосан мигрантлар интеграциясининг иқтисодий ва ижтимоий масалалари тўғрисида олиб борилди.

Авваламбор, [Санкт-Петербург Европа Университети](#) кўмаги туфайли меҳнат миграцияси бўйича масала конференцияда биринчи бор иқтисодчи ва антропологлар томонидан ҳамкорликда муҳокама этилди. Бундан кўзланган мақсад Россиядаги меҳнат мигрантлари

интеграциясига қизиқиш ва сабабларининг тўлақонли манзарасига эга бўлишдир. Бир томондан, меҳнат мигрантлари олаётган даромадлари асосида ўзларининг яшаш шароитларини яхшилашни истасалар, бошқа томондан чет давлатда ўтказган вақт уларнинг шахсий ҳаёт тажрибаларини ўзгартирмоқда ва кўп ҳолларда бу уларнинг ижтимоий ҳолатларига таъсир этмоқда.

"Миграция фақатгина меҳнатдан иборат эмас. Иш куни тугагач, мигрантлар ўз ҳаётларини ўзларича яшамокдалар – улар шаҳар аттракционларида дам олмакдалар, шахсий алоқалар ўрнатмоқдалар ва Интернет орқали мулоқотда бўлмакдалар," дейди Ольга Бредникова, Санкт-Петербург Мустақил ижтимоий изланишлар маркази жамиятшуноси. Бошқача қилиб айтганда, иммигрантлар юриш-туриш доираси фақатгина иқтисодий сабаблар билан чегараланмаган.

Қабул қилувчи давлатлар кўпинча мигрантларнинг ижтимоий ҳолатини шакллантиради – аммо бундай вазиятларни четлаб ўтиш йўллари ҳам мавжуд.

Масалан, зарурат бўлганда шифокор малакасига эга киши чет давлатда паст малакали иш билан шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, мисол учун, бу киши ўзининг эски мутахассислиги бўйича фаолиятини давом эттириб, норасмий тарзда мигрантлар ҳамжамияти аъзоларига тиббий маслаҳатлар бериб юриши ҳам мумкин.

Иммигрант ишчиларнинг иқтисодий интеграция имкониятларини ривожлантириш учун ишга жойлашиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, уюшган тартибда ишга жойлаштириш муаммоси маъсул ходимлар кун тартибида асосий ўрин тутиб келмоқда.

"Уюшган тартибда ишга жойлаштириш масаласи мигрантларни жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилишларини тақозо этади," дейди Елена Дунаева, Санкт-Петербургдаги Федерал миграция хизмати идораси бошлиғи. "Сафарга жўнашдан олдинги ўқитиш дастурлари жўнатувчи давлат томонидан ташкил этилиши лозим; қабул қиливчи давлат эса миграция бўйича маъмурий идоралар томонидан чиқарилган муайян таклифлар орқали ишга жойлаштиришни таъминлаши мумкин."

МИРПАЛ конференциясининг яна бир жиҳати - муайян ҳолатни ўрганиш орқали ёндашув бўлди: бу йилги конференция ташкил этилган Санкт-Петербург шаҳри ҳам иммигрантларга мўлжалланган интеграция чора-тадбирларини амалга оширишдаги ижобий тажрибаси билан бошқаларга ўрнак бўлди. Шаҳарнинг Ижтимоий сиёсат ва иш билан таъминлаш қўмитаси яқинда қабул қилинган "Миграция" дастурини тақдим этди ва миграция жараёнини тартибли бошқариш борасида маҳаллий маъмуриятлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни таъкидлаб ўтди. Ушбу мажбурият асосини миграция муаммо туғдирувчи табиий жараён бўлиши билан бир қаторда ривожланишга фойдали эканлиги тўғрисидаги тушунча ташкил этади.

МДХ регионидаги меҳнат миграцияси жўнатувчи давлатлар учун ҳам ва қабул қилувчи давлатлар учун ҳам фойдали жараён эканлиги эътироф этилди. Уч йилдан кўпроқ давр мобайнида, Дунё банки, Миграция бўйича Халқаро ташкилот ва “БМТ Аёллар” агентлиги Буюк Британия Халқаро Ривожланиш Департаменти (ХРД) ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё Регионал Миграцияси Дастурида (МОРМД) қатнашиб келмоқдалар. Ўз ичига тўртта МИРПАЛга аъзо давлатларни (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) қамраб олган МОРМД дастури Банк билан ҳамкорликда маълумот етказиб бериш, аналитик ёрдам бериш ва юқори даражали сиёсий диалог орқали аъзо давлатлар ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлаш бўйича иш олиб боради.

Зарур музокарларни ривожлантириш мақсадида, МИРПАЛ бошқа ЕМО давлатларидан кўпроқ эксперт ва амалиётчиларни суҳбатга таклиф этади ва МИРПАЛга аъзо давлатларни регионда амалга оширилаётган интеграция жараёнлари натижаларини таҳлил қилишга чақиради.